



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 декабр, шанба №196 (1209)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲАЖ САФАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита ёрдамлари туфайли фуқароларимизнинг муборак ҳаж зиёратига уюшган ҳолда бориб-келишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётган. Хусусан, бўлғуси ҳажларнинг сафар ҳужжатларини вақтида расмийлаштириш, хавфсизлигини таъминлаш, уларга муайян қулайликлар, имтиёзлар яратиш, транспорт, меҳмонхона ва бошқа маданий-маиший хизматлар кўрсатилишини юксак савияда ташкил этиш борасидаги тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бу борадаги барча ишларда ҳукуматимизнинг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай ғамхўрлик юртимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, муборак ҳаж амалларини эмин-эркин адо этиш имконини бермоқда.

Шу кунларда 2002 йилда муборак ҳаж зиёратига боришни ихтиёр этган фуқароларимизнинг аризалари назардан ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Шо-азим МИНОВВАРОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

Ислам дини фарзларидан бири - Саудия Арабистонидаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб маънавий-руҳий покла-ниш - ҳожи бўлишдир. Мустақиллик шарофати ила диёримизда эътиқод эркинлигига юксак ҳурмат-эътибор билан қаралапти. Муҳтарам Юртбошимизнинг раҳнамолигида ҳукуматимиз ушбу ниятда сафарга отланганларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатиб, уларга талай қулайликлар, имтиёзлар яратиб бермоқда. Ҳаж амалларини адо этишликни кўнглига туккан барча юртдошларимизнинг соғ-саломат уюшган ҳолда сафарга бориб-келиши таъминланаётган.

Ҳар галгидек 2002 йил ҳаж сафарини ташкил этиш Ўзбекистон мусулмонлари идораси зиммасига юклатилган. Бу борада бизнинг қўмитамиз унга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу масъулиятли ва савобли ишга мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳам жалб этилган. Жумладан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси зиёратчиларимизнинг ушбу сафарга бориб-келиши учун қулай шарт-шароит яратиб, йўл харажатларини имтиёзли қилиб бермоқда. Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси идоралари бўлғуси ҳажларнинг сафар ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштири-лишини таъминламоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйил-лаётган тиббий талаблар ва ушбу мамлакатнинг табиий-иқлим шартини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни тиббий кўриқ-дан ўтказиб бериш. Сафар давомида ҳам уларга бир қанча мала-кали шифокорлар ҳамроҳлик қилади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, жаҳондаги бирон-бир мамлакатда муборак зиёратга бориш тартиби биздаги каби йўлга қўйилмаган. Боз устига бўлғуси ҳажларимиз ҳам ҳаж сафарига юксак масъулият ва астойдил эътиқод билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги ўтган йилги зиёрат натижалари таҳлилга қўра, Ўзбекистонлик ҳожиларни энг интизомли, уюшган ва ҳар томонлама таъминланган, деяр эътироз этгани бежиз эмас. Ҳожиларимизнинг оммавий маросимлар вақтида кўрсатаётган ҳамжиҳатликларига бошқа давлатлардан келган зиёратчилар ҳам ҳавас билан қараётганига кўп бор туюб бўлди.

Ҳаж амалларини адо этиш ниятидаги ҳамюртларимиздан тушаётган аризаларни жойларда кўриб чиқиш ишлари қандай амалга ошириляпти?

Авалло шуни айтиш керакики, ҳукуматимизнинг юқорида зикр этилган қарорига мувофиқ ҳаж сафарини ташкил этишда мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондиришга жиддий эътибор қаратилган. Зиёратга бориш ис-тагани билдирган фуқароларнинг аризаси «Нуроний», «Маҳалла», «Маънавият ва маърифат» каби жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирокида маҳаллалар кенгашида атрофича кўриб чиқилади. Бунда, асосан, маҳалла аҳлининг тавсияси ва ҳожиларга номзоднинг саломатлигига қўра ҳужжатлар саралаб олинади. Юртбошимиз томонидан 2002 йил «Қария-ларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан кексаларга, айниқса эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган ота-хон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Ҳужжатлар эгаси Арабистоннинг табиий-иқлим шартини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилганда ҳамда юқум-ли касалликларга қарши эмланади. Саломатлиги узоқ сафар ташвишларига бардош беролмайдиган, об-ҳаво ўзгариши оқибатида ўзини ёмон ҳис этадиган ҳамюртларимизга уламо-ларимиз ҳаж бадал имкониятидан фойдаланишни тавсия эта-ди.

Вилоятларда тузилган ҳаж ҳайъатлари зиёратчилар рўйха-тини шу йилнинг 25 декабрга қадар республика ишчи ҳайъ-ати тақдим этишлари лозим. Ҳайъат ишчи гуруҳи уларни араб тилида расмийлаштириш, визалар олиш, элликбошиларга бириктириш, меҳмонхоналарга тақсिमлаш каби ишларни амал-га оширади.

Бўлғуси ҳожиларимизнинг Саудия Арабистонидан бир неча марта паспорт назоратидан ўтказилиши, шунингдек, зарур ҳужжатлар тўлдириб талаб этилиши натижасида юзага кела-диган ортиқча ташвишларни бартараф этиш мақсадида улар-нинг паспортига мезбон тараф тегишли идоралари билан ке-лишилган ҳолда араб тилидаги илова қўғозларини олдиндан тўлдириб қўймоқчимиз. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки, зиёратчиларимиз сафар давомида адашиб қолсалар шу ҳуж-жат ёрдамида тезликда манзилга элтиб қўйилади.

Пировадиди шуни айтмоқчиманки, мингглаб ватандошларимиз улуг ибодатни адо этиб қайтган, ўзларининг хушфеъл-лари, ҳаёт тарзлари, яхши амаллари билан ёшларимизга на-муна бўлади ҳамда фарзандларимизни иймонли-эътиқодли, буюк Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбия-лаш ишга муносиб ҳисса қўшадилар, деган умиддамыз.

Ўқман ДҮСТӨР,  
ЎЗА мухбири.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республи-каси Президенти Ислам Каримов 14 декабр кўни Оқсаройда АҚШнинг «АББ Луммус Глобал» компанияси раҳбари Стефан Соломонни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳба-ри меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат «АББ Луммус Глобал» прези-денти, балки етук мута-хассис сифатида ҳам ҳур-мат қилишини таъкидла-ди.

Мазкур компания неф-газ, нефт қимёси, сано-ат, ахборот, электр ти-зимлари, муқобил энер-гия ишлаб чиқаришга оид технологиялар билан шуғулланади. У сўнгги бир неча йил ичида дун-ёнинг турли мамлакат-ларида икки мингга яқин лойиҳани амалга ошир-ган.

«АББ Луммус Глобал» ва Ўзбекистон ҳукумати 1997 йил ноябрда ташқи инфратузилма иншоотла-ри, 1999 йил февралдан эса бевосита технологик зона қурилишлари бош-ланди. Жорий йилнинг 31 октябрида бу лойиҳани

техникавий-иқтисодий асослаган. Шундан кейин 1997 йил ноябрда ташқи инфратузилма иншоотла-ри, 1999 йил февралдан эса бевосита технологик зона қурилишлари бош-ланди. Жорий йилнинг 31 октябрида барча ишлар

туғаллаиб, корхона тахт холга келтирилди. Маъ-лумотларга қўра, у йили-га 125 минг тонна поли-этилен, 137 минг тонна суолтирилган газ ва 126 минг тонна газ конденса-ти ишлаб чиқариш қувва-тига эга.

Оқсаройдаги учрашув-да «АББ Луммус Глобал» президенти мамлаката-миз раҳбарини лойиҳа якунлари билан таништир-ди ва уни ижро этишда кўрсатган шахсий ёрдами учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбеки-стон ҳукумати билан «АББ Луммус Глобал» компания-си ўртасидаги ҳамкор-ликнинг янги йўналишлар-ига оид масалалар му-ҳокама қилинди.

(ЎЗА).

## ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ ўртасида Аф-ғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб бе-ришни қўллаб-қувватлаш ҳақида протокол им-золанди.

Ҳужжати Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Ко-милов ҳамда БМТ мувофиқ-лаштирувчиси Ричард Конрой имзоланди.

Шу кунларда халқро ҳам-жамият Афғонистонга ёрдами кучайтириш масаласига алоҳи-да эътибор бермоқда, - деди А.Комилов шу муносабат бил-ан ўтказилган матбуот анжу-марида. - Бу Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш учун му-ҳим аҳамиятга эга. Бу жараён-да Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани барчага аён. Бизда инсонпарварлик ёрдами сифа-тида юборилаётган юкларни мамлакат худудидан ўтказиш учун қулай инфратузилма мав-жуд. Юкларни манзилга етказ-иш жараёни БМТ томонидан мувофиқлаштириб борилмақ-да. Имзоланган ҳужжатга му-вофиқ Ўзбекистон томони жа-раёни янада тезлаштириш, жумладан, олиб ўтилаётган юк-

ларни бож тўловларидан озод этиш ва ишонч божга ҳуқуқий жиҳатларини енгиллатиш учун барча зарур чораларни кўра-ди. Шунингдек, божга ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларни ҳам ушбу хайрли миссияда иштирок этишга жалб қилади.

Ричард Конрой ушбу про-токолга самарали мулоқотлар натижасида эришилганини таъ-кидлаб, ҳужжат Ўзбекистон то-монидан қисқа фурсатда, тез-кор ва амалий руҳда тайёр-ланганини алоҳида таъкидла-ди. Фурсатдан фойдаланиб, Афғонистонга инсонпарварлик юкларини ўз вақтида етказиб бериш ва минтақада тинчлик-оқсоқшайлиқни мустаҳкамлаш борасида БМТ билан самара-ли ҳамкорлик қилаётгани учун Ўзбекистон ҳукуматига, Прези-дент Ислам Каримовга миннат-дорлик билдирди.

Ўзбекистон факулдада ва-зиятлар вазири Равшан Ҳайда-

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кен-гашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Раиси Э.Ҳалилов олиб борди.

Мажлисида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг якунлари ҳамда унинг қарорларини бажаришга доир чора-тадбирларни кўриб чиқил-ди. Қабул қилинган қарорда

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, депутатла-рининг сессия материаллари ва қарорларини фуқаролар ўртасида тушунтириш бўйича аниқ вазифалари белгиланди. Кенгаш аъзолари 2002 йилнинг

Ангрен шаҳрида фермерлар уюшмаси таъ-сис этилди ва ўз фаолиятини бошлади.

## ШАҲАРДА ФЕРМЕРЛАР УЮШМАСИ

Шаҳарда фермерчилик бир оз эриш туюлиши мум-кин. Бироқ бир юз эллик минг киши истикомат қила-диган шаҳримизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ху-сусан, гўшт ва сут тайёрлашнинг яхшигина имконият-лари мавжуд, - дейди уюшма раҳбари Анорбек Султо-нов. - Ана шу имкониятлардан фойдаланаётган юзлаб шахсий хўжалик эгалари, ўттиздан ортиқ фермер хўжа-ликлари эл дастурхонига арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераётган. Айни пайтда улар ўз фаолиятини кенгайтиришда, ривожлантиришда моли-явий қўмакга мутож. Уюшмамиз уларга шу муаммо-ларни ҳал этиш, уларнинг касбий билимларини оши-риш, фаолиятини мувофиқлаштиришда ёрдам беради.

## Шу сонга хабар

Яқин-яқингача қиш мав-сумида Бухоро вилоятининг Жондор, Қорақўл ва Олот туманларида газ етишмов-чилиги сезилиб қоларди. Шу боис узунлиги 38 ки-лометр бўлган янги газ қувури тармоғини ишга ту-ширишга қарор қилинган эди.

## КИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Куни кеча «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси буюртмасига асосан бунёд этилган мазкур юқори бо-симли газ тармоғи фойда-ланишга топширилди. Нати-жада вилоятнинг уч тумани-да табиий газ таъминоти тубдан яхшиланди. Илгари битта қувурдаги газ оқими секундида 10 кубометрни ташкил этган бўлса, энди бу кўрсаткич икки ҳиссага ошди.

Тармоқни қисқа фурсат-да ишга туширишда вилоят газлаштириш бошқармаси ва Когон газ қувурларини тармоқ йўналтириш бош-қармаси ходимларининг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Шунингдек, 2-вакил-лик идорасига қарашли Бо-тир Ҳамроев бошчилигида-ги қурилиш-монтаж брига-даси ишчилари ҳам жонбоз-лик кўрсатдилар.

Усмон НАВРҮЗ,  
«Ишонч» мухбири.

## Ўзбекистон кураш уюшмасининг ҳисобот-сай-лов конференцияси бўлиб ўтди. Уни Давлат жис-моний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳо-дир Махситов бошқарди.

Таъкидлангани, уюшма ташкил этилганидан буён ўтган 10 йил давомида муайян ютуқларга эришилди. 1992 йилда Ўзбе-кистон халқаро хаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА)-нинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

## ШУҲРАТИМИЗ ДУНЁГА ЁЙИЛМОҚДА

1993 йилдан буён мамлакатимиз курашчилари йил-ик йил халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб келмоқда. Р.Атаулин, Г.Урусов, Р.Исмолов, Р.Хинчагов, М.Ибодов, Г.Лу-ляев, А.Қурбонов, Д.Орипов, Д.Мансуров энг нуфузли мусо-бақаларда бир неча бор голубрики қўлга киритди. 1997 йил-да Рамиль Исмолов эркин кураш бўйича Жаҳон кубоғи мусо-бақаларида иккинчи ўринни эгаллади, Дилшод Мансуров эса 1998 йилда Москвада ўтказилган Биринчи Бутунжаҳон ўсмир-лар ўйинларида эркин кураш бўйича олтин медал соҳиби бўлди.

Сиднейдаги XXVII Олимпия ўйинларида Артур Таймазов эркин курашда қумуш медалга сазовор бўлди, Дилшод Ман-суров эса бу йил биринчи бор Тошкентда ўтказилган ўсмир-лар ўртасидаги жаҳон чемпионатида жаҳон чемпиони унво-нини қўлга киритди. Бу йил Грецияда бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида Дилшод Орипов чемпи-он бўлди.

Мамлакатимизда 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган ку-раш бўйича Мустақиллик кубоғи халқаро турнири Ўзбекистон кураш уюшмасининг катта ютуғидир. Мазкур турнир ўтган беш йил давомида юқори савияда ташкил этиб келингани, ҳолис ҳақамлик ва техник жиҳозланлишига қўра барча талабларга му-вофиқ эканлиги боис «Гран-при» туркумидаги энг яхши тур-нирлар бешлигидан жой олди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, дунёда кураш бўйича ҳар йили 160 дан зиёд йил-лик халқаро мусобақалар ўтказилади. Давлатимиз пойтахтида 1999 йилда кураш бўйича Осий чемпионати ва 2001 йилда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилгани ФИЛА то-монидан Ўзбекистон кураш уюшмасининг катта хизматлари-га берилган муносиб баҳоидир. 1999 йилда Ўзбекистон Президен-ти Ислам Каримовнинг ФИЛАнинг Олтин Маржони билан му-кофотлангани давлатимиз раҳбарининг нафақат Ўзбекистон-да, балки бутун дунёда курашни ривожлантиришга қўшган ул-кан ҳиссасининг юксак эътирофидир.

(ЎЗА).

## Ташаббус ВАТАН ҲИМОЯСИ УЧУН!

Ўзбекистон мудофазасига қўмаклашувчи «Ва-танпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ватан ҳимоячилари кунига ба-ғишланган оммавий мудоффа ватанпарварлик ойлиги бошланди. Пойтахтимиздаги Зобитлар уйда мазкур ойликнинг очилиши маросими ўтказилди.

Маросимда «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгашига ҳамкорлик қилади-ган барча мутасадди ташки-лотлар, жумладан, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғарма бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таъ-лими бошқармаси, туман му-доффа бўлимларининг вакил-лари, спорт-техника клублари-нинг аъзолари, бирлашган тех-ника мактаби ўқувчилари иш-тирок эдилар.

Шаҳримизда оммавий му-

доффа ватанпарварлик ойли-гини ўтказиш аънава тусини олди, - деди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ри-хситилла Ақромов. - «Ватанпар-вар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфида 11 та туман кенгаши, 11 та спорт-техника клуби, битта бо-лалар ва ўсмирлар ўқув бир-лашмаси, шунингдек битта бирлашган техника мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ташкилотларнинг барчаси ёшларимизни ҳарбий ватан-

парварлик руҳида тарбиялаш, уларни Ватан ҳимоясига тай-ёрлаш, маънан етук, барқа-мол, жисмонан соғлом, бақув-ват аскар қилиб етиштириш-дек эзгу мақсад билан яша-моқдалар.

Ойлик шу йилнинг 14 де-кабридан келгуси йилнинг 14 январига қадар давом этади. Ойлик мобайнида Тошкент шаҳридаги барча туман кен-гашиларида махсус ишлаб чи-қилган дастур асосида ҳарбий қисмларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади, кур-сантларнинг Ўзбекистон Қуро-ли кучлари, Темирйўл тарихи Давлат ва «Шонли Ватан та-рихи» музейларида ташрифта-ри уюштирилади, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади.

«Туркистон-пресс»

## «Ишонч»га жавоб берадилар

## САКСОВУЛЗОР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Газетамизнинг шу йил 5 октябр сонидан чоп этилган «Саксовулзор — меҳрга зор» сарлаҳа-ли мақолада Қашқадарё вилоятининг Нишон, Ба-ҳористон, Муборак ва Косон туманларида қора-қўлчилик билан шуғулланувчи хўжаликларда сак-совулзор ва изензорлар қаровсизликдан йўқо-либ кетаётганлиги каби салбий ҳолатлар танқид остига олинган, шу жумладан, ишни ўнглашга қаратилган фикр-мулоҳаза, тақлифлар билди-рилган эди.

Мазкур мақола юзасидан тахририятимизга

йўлланган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинади: — Газета чиқишида кўтарилган масалалар тўғри. Ҳақиқатан ҳам иқтисодий етишмовчилик-лар сабабли кейинги бир неча йил давомида ушбу экинлар экилмаганлиги боис, эскилари ка-майиб кетди. Бундай ҳолат чорва молларини бо-қишда ҳам ўзига хос қийинчиликлар туғдирган-ни рост. Қисқаси, муаммолар вилоят чорвадор-лари йиғилишида атрофича муҳокамага сабаб бўлди. Улар чорва учун муҳим озука манбаи

ҳисобланган саксовул ва изензорларни қайта-тиклаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирил-ди. Биз ана шу масала юзасидан белгиланган тадбирларимизда йиғилиш катнашчиларининг истак-тақлифларини ҳам ҳисобга олдик. Шунингдек, республика Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти бевосита ёрдамида вилоятда юқоридаги ўсимликларни кўпайтириш мақсадида Нишон тумани ҳоким-лиги билан келишилган ҳолда «Ишонч» наслич-лик-қорақўлчилик кооператив ширкат хўжалиги

худудидан 20 гектар ер ажратишга қарор қилин-ди. Янги йилдан бошлаб бу ерда саксовул ва изен уруғлари кўпайтиришга киришилди. Ре-жага мувофиқ, тайёрланган уруғликлар вилоят-нинг қорақўлчилик хўжаликларига тарқатилди. Бу — саксовул ва изен майдонларини анча кўпайтириш имконини беради.

Н.ХУДОЁРОВ,  
Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

**Вилоят касабга уюшмалари Кенгаши бугунги кунда ўз сафида 200 мингдан ортиқ аъзоларни қўриб турибди. Уларнинг 40 мингдан кўпроги агросаноат тармоқларида меҳнат қилмоқда.**

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, истиқлол касабга уюшмалари ҳаётида сифат ўзгаришларини бошлаб берди. Касабга уюшмалари энди бўлаётган ижобий ўзгаришларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчисига айланди. Уларнинг ташкилотчилик роли айниқса, меҳнат қиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, иш ҳақи тўлаш, дам олиш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, бўш иш ўринларини яратишда яққол сезилмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида 10 га яқин корхона чет эл технологияси асосида ишлаб бошлади. Натижада ҳаммаси бўлиб 200 дан ошди ўрни яратилди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан йиллик корхоналар иштирокида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ямаркасида қўлаб кишилар, айниқса, хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлмоқда.

Кейинги йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор янада кучайтирилди. Жумладан,

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ИНСОН МАНФААТИ

турли жабҳаларда ишлаётган 55 минг нафар хотин-қизнинг иш шaroитларини яхшилаш, дам олиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, бўш иш ўринларини яратишда яққол сезилмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида 10 га яқин корхона чет эл технологияси асосида ишлаб бошлади. Натижада ҳаммаси бўлиб 200 дан ошди ўрни яратилди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан йиллик корхоналар иштирокида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ямаркасида қўлаб кишилар, айниқса, хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлмоқда.

Кейинги йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор янада кучайтирилди. Жумладан,

### Хуқуқий ҳимоя

малар берилди. Меҳнаткашлар хуқуқий ҳимояси борасида ҳам

Касабга уюшмаларининг меҳнати ва инсон хуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли бу йил пахта йиғим-теримида айниқса, яққол сезилди. Кенгаш томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи мавсум давомида ёшлар ўртасида тез-тез бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлар, концертлар уюштирилди.

Меҳнат беллашувлари яқунларига кўра голиблар маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлаб берилди.

Касабга уюшмалари бугунги кунда янги ҳўжалик шакли-фермерликни ривожлантириш, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ҳам энг муҳим иш сифатида қарамоқда. Ширкат ҳўжаликлари ва фермерларнинг ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятлари билан тузилган шартномаларининг бажарилишига ҳам энг муҳим иш сифатида қарамоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бундан кейин ҳам инсон, унинг меҳнати ва манфаатдорлиги касабга уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлаверади.

Касабга уюшмаларининг меҳнати ва инсон хуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли бу йил пахта йиғим-теримида айниқса, яққол сезилди. Кенгаш томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи мавсум давомида ёшлар ўртасида тез-тез бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлар, концертлар уюштирилди.

Меҳнат беллашувлари яқунларига кўра голиблар маънавий ва моддий жиҳатдан тақдирлаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, бундан кейин ҳам инсон, унинг меҳнати ва манфаатдорлиги касабга уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлаверади.

Хулоса қилиб айтганда, бундан кейин ҳам инсон, унинг меҳнати ва манфаатдорлиги касабга уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлаверади.

**Нурмурад Хўжақулов,**  
Навоий вилояти касабга уюшмалари Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.

## ЙИЛ КўНГИЛДАГИДЕК ЯқУНЛАНМОҚДА

**Йилни кўнгилдагидек кўрсаткичлар билан яқунлаётган Наманган вилоятидаги «Силк Роад» Ўзбек-Япон қўшма корхонаси республикамиздаги ягона газна ипаги ишлаб чиқарадиган саноат корхонасидир.**

Республикамиздаги пиллакашлик корхоналаридаги чикинди пилланнинг ўнга яқин тури қайта ишланиб, газна ипаги олинади. Албатта, чикинди пилланнинг баҳоси арзон. Корхона бундан яхшигина даромад оляпти. Биргина шу йилнинг ўзида 111

тонна газна ипаги экспорт қилинди. Шу кунгача 100 тонна маҳсулот Италия ва Япониянинг саноат корхоналарига жўнатилди. Бундан тушган даромад 2 миллион 579 минг АҚШ долларини ташкил этди. Хориждан сармоя тўлириши тўғри йўлга қўйган корхонанинг ре-

жалари катта. Келгусида корхона кенгайтирилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Замонавий дастгоҳларда меҳнат қилаётган 450 нафар ишчининг ўртача ойлик маоши янги йилдан бошлаб 30-35 минг сўм бўлиши кутилмоқда.

Корхонамиз бундай ютуқларга эришишининг бош сабаби маҳсулот сифатига эътибор берганимиз ва жаҳон бозорини яхши

ўрганганимиз туфайлидир, - деди қўшма корхона бошқаруви раиси Маҳмадуф Матмусаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Хомашё билан таъминлашда «Ўзбек ипаги» уюшмаси яқиндан ёрдам бериб келяпти. Мақсадимиз, юртимизнинг тилло ипагини жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва ундан яхшигина даромад олишдир.

## ТАННАРХ АНЧА АРЗОН

Тўрт ой муқаддам Тошкент туманида Туркиянинг «Йилмиз Текстил ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда «Бухоро-6» навли қўшма корхона ташкил қилинган эди. Бугун корхона ўз маҳсулотларини четга экспорт қила бошлади.

Биз жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган кийим-кечақлар тайёрлашга ҳаракат қилаямиз, - дейди қўшма корхона раҳбари М.Азимов. - Сотувга 20 хилдан ошди маҳсулот чиқараямиз. Корхонага кийим-кечак тикшиш ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технология ўрнатди. Хозирча Туркия ҳамда Ўрта Осиё республикаларига маҳсулот чиқараямиз. Европа давлатлари билан ҳам шартномалар имзолаш арасида турибмиз.

Хомашё мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналаридан сотиб олинмоқда. Бу маҳсулот таннархининг анча арзон бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу кунгача корхона сотувга 12 миллион сўмлик кийим-кечак чиқарди.

### Касабга уюшма фаоллари

**Туманимизда 24 минг нафарга яқин касабга уюшма аъзоси бор. Улар орасида кўмитамиз аъзоси, Саттор Жабборов номли жамоа ҳўжалигининг бош пудратчиси Маҳид ака Рашидов алоҳида эътиборга эга.**

## ЭЗГУЛИК ЙўЛИДА

Иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, у қирқ йилдан бери дала кезади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» юсак унвонига сазовор бўлган олийжаноб инсон қарийб 20 йилдан бери пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилади.

Унинг ўзига хос иш тажрибаси бор. Ўтган йили 60 гектар майдонда «Бухоро-6» навли гўза ўстириб, 240 тонна ўрнига 320 тонналик хирмон яратди. Пахтачиликнинг тарбиялаб вояга етказиши. Ўғиллари ота касби — фермер ва пудратчилик билан шуғулланиш-япти, қизи — Ойтўла олий маълумотли шифокор.

У ўзининг ҳамкасблари Ширин бобо Қаюмов, Климент бобо Тўлаев, ҳўжалик касабга уюшма кўмитаси раиси Қаҳрамон Отаевлар билан доимо ҳамқишлоқлари ташвиши билан ишлайди. Кам таъминланган оилалар, ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатиб, кўнглини олишга ҳаракат қилади.

**Жамшид МАНСУРОВ,**  
Ғиждунов туман Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси.

нинг ўзидан чиқади. Қишда маҳсулот етиштириш учун иссиқхона қурилиб, ишга туширилди.

Фўқароларни ижтимоий ҳимоялаш бош пудратчининг эътиборида. Ғалланинг бир қисми ишчиларга муқофот тариқалик берилди. Жамоадаги 50 нафар ижарачининг ойлик иш ҳақи 20-25 минг сўмданга тўғри келяпти.

Олтимис ёшни қоралаган Маҳид ака турмуш ўртоғи Зулайхо опа билан олти ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказиши. Ўғиллари ота касби — фермер ва пудратчилик билан шуғулланиш-япти, қизи — Ойтўла олий маълумотли шифокор.

У ўзининг ҳамкасблари Ширин бобо Қаюмов, Климент бобо Тўлаев, ҳўжалик касабга уюшма кўмитаси раиси Қаҳрамон Отаевлар билан доимо ҳамқишлоқлари ташвиши билан ишлайди. Кам таъминланган оилалар, ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатиб, кўнглини олишга ҳаракат қилади.

**Жамшид МАНСУРОВ,**  
Ғиждунов туман Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси.

### Халқаро кўргазма

**Москвада улгуржи «Озик-овқат - 2001» бешинчи халқаро анъанавий кўргазмаси нияҳосига етди.**

Унда жаҳоннинг 100 дан зиёд фирма ва ташкилотлари, Россиянинг турли минтақаларидан келган компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. Кўргазмада мамлакатимиз озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилди.

### РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзевасабзаовтузумсаноат» холдинги компанияси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон кўргазмаси томошабинларида катта қизиқиш уйғотди. Ўтган йилги кўргазмада Ўзбекистон билан 4 миллион АҚШ доллари миқдорда шартнома тузилган эди. Бу йил республикамиз кўргазмада 140 га яқин маҳсулот билан иштирок этди.

Кўргазмада қатнашган «Ўзозик-овқаттаъминот» уюшмасининг «Ўзимпекс» тижорат фирмаси маҳсулотлари қадоқланмиш сифати ва мазасининг ширинлиги билан халқаро андозалар талабларига мос келди. Маълумки, москваликлар Ўзбекистонда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини севиб истеъмол қиладилар. Энди улар Ўзбекистон полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳамда консерваларини кенг харид қилиш имкониятига эга бўладилар. Чунки шу йил сентябрда Москва мэри Юрий Лужков Тошкентга келганида Москвада мамлакатимизда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари сотиладиган махсус бозор ташкил этишга келишилган эди. Кўргазма давомида Ўзбекистон маҳсулотларини Россия пойтахти фирма ва компанияларига етказиб бериш бўйича ҳам келишувларга эришилди.



Тошкент тумани Кўктерак очиқ акциодорлик жамияти ишчилари аҳолига 18 турдаги нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. Незматлар сифатлилиги билан аҳолига манзур бўлмоқда.  
**Суратларда: илгор ишчилардан Гўзал Содиқова ва Жаннат Мирзаева. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

**Асосий Комусимиз ва унга асосланган қонунларимиз фўқароларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тўла ҳақ-хўқуқлар беради. Зеро, моддий манфаатларни таъминловчи асосий манба — бу меҳнат қилиш орқали топиладиган даромаддир.**

## ДАРОМАД, ХАРАЖАТ, МАОШ...

Ана шу даромад маошдан-маошгача бўлган вақт давомидаги харажатларимизни қоплайдими, йўқми? Меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақлари ўз вақтида бериляптими? Умуман, уларга яратилган шартшaroитлар қандай? Ишчи ёки хизматчининг ўз ишига бўлган муносабати ва шунга ўхшаш масалалар касабга уюшмаларининг асосий вазифалари сирасига кирди.

Хозирги бозор иқтисодиёти шaroитларида юқорида биз санаб ўтган муаммоларнинг ечимига йўл топиш осон эмас, албатта. Лекин ҳар томонлама йўлбази тузилган жамоа шартномалари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоялашда энг ишончли манба сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Унинг муҳим жиҳатларидан бири — мазкур меъёрий ҳужжат қабул қилиниши чоғидаги муҳокамада меҳнаткашлар ўзларига маъқул келмаган бандларни бекор қилиш ёки аксинча, ўзларининг манфаатларига мос келадиган бошқа бир бандни киритиш имкониятларига эгадирлар.

Жумладан, «Андижонтелеком» акционерлик жамиятида жамоа шартномаси баъзи жойлардаги даврларни ўлароқ, номигагина эмас, балки ниҳоятда аниқ ва пухта тузилганлигининг гувоҳи бўлди. Унда нафақат ҳозир ишлаётган меҳнаткашлар, балки шу ердан пенсияга чиққан ҳамда бахтсиз ҳодисалар сабабдан жабранганларнинг фарзандлари ва яқинлари ҳам ижтимоий ҳимояга олинган.

Биз меъёрий ҳужжатнинг бажарилиши юзаси-

### Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

дан жойларда бекорга текшириш ўтказмаямиз.

Бу йил —яқунда ушбу шартномаларнинг барча бандлари тўлиқ бажарилишига замин яратди, деб ўйлаймиз, — деди Республика Алоқа ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов.

Унинг ишонч билан айтган гапларида жон бор, албатта. Масалан, «Андижонтелеком» ходимларининг ойлик маоши шу кунгача қадар ўртача 41755 сўмгача кўтарилгани фирмимиз далилидир.

Биз ушбу бандни ҳам бажаришимиз мумкин эди, — деди жамоа раҳбари

Нўмон Каримов. — Бирок, бугунги кунда алоқа

хизматининг иқтисодий имкониятлари чегаралангани. Зотан, телефон алоқаси ходимлари ва матбуот тарқатувчилар алоҳида-алоҳида ташкилотларга жамланди. Бу эса биз учун бир қанча иқтисодий муаммолар туғдирди. Ана шундай қийинчиликлар даврида кўпчилик раҳбарлар ходимлар шартини қисқартириш эвазига вазиятдан қийин кетишга уринишди. Биз эса биронга ҳам иш жойини қисқартирмасликка қарор қилдик. Ахир битта ишчи ишсиз қолди, деган гап «бир оила таъминотсиз қолди, дегани эмасми? Биз имкон қадар молиявий аҳолиимизни яхшилаш йўлларини излаяпмиз ва мақсадимизга эришяпмиз ҳам.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**  
«Ишонч» мухбири.

### «Ишонч» фoш этади

**Қарши-Талимаржон шoх йўли ёқасидаги икки қаватли бино бейхитёр диққатингизни тортади. Пештоқига «Ишонч-бизнес мактаби» деб ёзиб қўйилган бинoga киришингиз билан директор Жўра Муродов алоҳида мулозимат билан қарши оларкан, сизни суҳбатга қўлайди.**

— Мана, мактабнинг янги дарвозаси қурилиши ҳам бошлаб юбордик. Ҳадемай битиб қолади. Қарабсизки, бежиримгина қилиб қурилган дарвозадан талабалар киришади. Мана бу

## ВАЪДАЛАР ҚУЮҚ, ИШЛАР-ЧИ?

эса газ қувурлари. Яқинда печкалар ўрнатилди. Тез орада ишлаб кетса ўқувчилар иссиқ хоналарда маза қилиб ўқийдилар...

Директорнинг сўзларини илк мартаба эшитган киши бунёдкорлик қўламини қойил қолмай иложи йўқ. Аслидачи?

Мактаб дарвозаси қурилишига дастлабки гишт қўйилганига ҳадемай уч йил бўлади. Атиги 15-20 қатор гишт терилганича битмай қолган дарвоза ҳўжақўрсинга турибдими дейсиз! Иситиш тармоқлари қувурлари эса қанча гап-сўзлардан сўнг тортилган бўлишига қарамай, уларни ишлатишининг имкони йўқ. Мактабда таълим олаётган 275 нафар ўқувчи ҳар йили кишини дилдираб ўтказишади. Директор синфхоналарни иситиш учун бир неча марта ваъда берган бўлса-да, ҳануз натижаси кўринмаётди. Негаки, ўрнатилган печ-

уларини қўмсаетган болалар. Ҳўш, бу қўнғилсизликларнинг асосий сабабчилари кимлар?

— Қиш келиши билан давомаат ҳам пасайиб кетади, - дея нолишиди ўқувчилар.

Дарҳақиқат, Рая Эшматовна дарс ўтаётган 10-«А» синфда 31 нафар ўқувчидан 18 нафари дарсда қатнашапти, холос. Қолганлари эса хоналар совуқлигидан хас-

таланиб мактабга келишмаган. Бизнинг ташрифимиз куни мактабнинг биринчи сменасида дарсда бўлиши лозим бўлган ўқувчилардан 43 нафари машғулотларда қатнашмади. Тушдан кейин-чи?

— Газ босимининг пастигли учун иситиш тармоқлари ишламапти, — дейди мактаб директори Х.Ҳўжамуродов хуноби ошиб.

Лекин мактабда ўрнатилган бешта печканинг иссиқ сув ўтадиган қувурлари муҳофазаланмагани ҳеч қимни ташвишга солмаётди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Қурбон Номозовнинг таъкидлашича, туман мактабларига лозим бўлган кўмир учун вилоят ёқилги таъминот корхонасига 448 минг сўм пул ўтказилган бўлса-да, ҳозиргача амалий ишдан дарак йўқ. Ваъда билан эса, афсуски, мактаб исимайди.

**Шавкат СУЛТОН,**  
«Ишонч» мухбири.

### Меҳнат бозори:

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Ярмаркада 60 нафар фўқаро янги иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 29 нафарига шу ёрнинг ўзида меҳнат дастураси очилди. Вояга етмаган ва касбга эга бўлмаган 15 йигит-қиз Ангрэн шаҳар маъмурий касб-ҳунар коллежида тадбиқорлар палатаси билан ҳамкорликда очилган икки ойлик тайёрлов курсига ўқишга абориди.

Бугун шакланган меҳнат бозорининг ўз ўрни бор. Бирон бир касбининг эътидан тутмаган ёшлар, меҳнат бозорида рақобатлаша олмади иш топишда қийналаётган кишилар, афсуски анчагина. Биз уларни қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоялашга, имкон қадар иш билан таъминлашга ҳаракат қилаямиз, - дейди шаҳар меҳнат бўлими раҳбари Х.Тошпў-

латов. - Шу боис бундай ярмаркаларни тез-тез қўлаверса, ҳар бир ҳудудда алоҳида ўтказаямиз. Натижада йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида рўйхатга олинган 1 минг 550 талабгорнинг 1 минг 130 нафари ишга жойлаштирилди, 374 нафарига эса ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди.

(ЎЗА).

Пири бадавлатларимиз



БАХТ ҚЎРҒОНИ

Нуронийлар бизнинг бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган табаррук инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мамлакатимизда хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар мустақкам ижтимоий ҳимояга олинган.

Бугунги кунда юртимизда фахрийларимиз сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдоридан пенсия тўланапти. Президентимиз томонидан 2002 йилнинг мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши мўътабар инсонларга бўлган юксак даражадаги эътибор, меҳрибонликнинг яна бир ёрқин тисмолига айланган.

Пири бадавлат нуронийлар, намунали оилалар ҳақида гап кетганда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Мевазор» маҳалласидаги яшувчи юз билан юзлашаётган Мирҳаё ота Валиев хонадонини биринчилар қаторида тилга олишди. Файзли гўшага қадам ранжида қилишингиз билан орасталик, файзу-барак аёғилиб турганига эътибор қаратасиз. Бу ерда ўзбекона урф-одатлар хонадон соҳиблари ҳаётига чуқур сингир кетган. Ота-онага ҳурмат, уларнинг иззатини жойига қўйиш, бир оғиз ширин сўз билан кўнглини овлаш фарзандларнинг қатъий одатига айланган.

— Инсон орзусига ҳеч қачон осонликча эришмайди, — дея ҳикоя қилади Мирҳаё ота. — Қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида юк машинасини бошқардим. Қийинчиликлар, етишмовчиликлар кўп бўлди. Ўзингиз биласиз, собиқ шўро даврида дабдабазлик, чиройли сўзлар кўп эди. Бироқ, қаро терга ботиб ишлаб, биримиз икки бўлмади. Бир оилада ўн жон амал-тақал қилиб яшадик. Шундай бўлса, умрдошини Адолатхон билан фарзандларим — олти ўғил, икки қизни меҳнатсевар, иродали, эътиқодли, муқаддас заминга садоқат руҳида тарбиялашга ҳаркат қилдик. Мустақиллик туфайлигина

бизнинг ҳам елкамизга офтоб теғди. Фарзандларим давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар, имтиёزلардан фойдаланиб, ҳаётда ўз ўринларини, бахтларини топишди. Юз билан юзлашаётган инсон дуолари албатта, ижобат бўлгусидир. Фахрийларни юксак даражада



эъозлаётган, 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтаман. Яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик сўрайман.

«Мевазор» маҳалла оқсоқоли Гиёс Азимовнинг таъкидлашича, Валиевлар хонадонидан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилди. Ёшлар бўш вақтни бекор ўтказишмайди. Китоб ўқиш, компьютер билан машғул бўлиш, ҳунар ўрганиш одатга айланган. Хонадон соҳиблари ҳар бир фарзанднинг қаерда, нима иш билан машғул бўлаётганини назорат қилиб боради. Бирор йомуш билан қимдир кеч қолса, албатта кўнгириқ қилиб, уйдагиларни тинчлантиради. Ўғиллар ишга кетиш олдидан ал-

батта ота-онани йўқлаб, улардан оқ фотиҳа оладилар. Мени хайратга соладиган яна бир нарсаси, дея таъкидлайди маҳалла оқсоқоли, фарзандлар уйда бирон тансиқроқ овқат тайёрланса, биринчи бўлиб ота-онага илинишади. Бунинг замирида чуқур маъно бор.

Хонадон соҳибаси Адолат ая билан суҳбатлашганимизда у қайнона ва келин муносабатларига алоҳида тўхталди. Онахон қайнона келинларни ўз фарзандидан афзал кўриб, эъозлаши, яхши ҳаёт кечириб кетиши учун қўлидан келганича суяши лозимлигини таъкидлади. Қарс икки қўлдан, меҳр кўрғазган меҳрга лойик, деб бежиз айтишмайди, ахир. Катта хонадоннинг бахтли келинлари Шириной, Сурайёхон, Барнохон, Нафисахон, Гулнорахон, Раънохонлар уй-рўзғор юритишда, пазандликда, фарзандлар тарбиясида кўпчиликка намуна.

Суҳбат жараёнида Мирҳаё ота «Пахтакор» футбол жамоасининг ашаддий мухлиси эканини билиб олдик. Ота бу йилги мавсумнинг биронта ўйинини ўтказиб юбормабди. Севимли жамоаси ютса ундан саяхат, хушчақчақ инсон йўқ. Мабодо ютқазгудай бўлса...

Шу кўнгли, файзли кўнларда табаррук хонадондан одам аримайди. Уни «Бахт қўрғони» деганларича бор экан. Қариндош-уруғ, маҳалла қўйдагилар нуронийларни йўқлаб, дуосини олишмоқда. Ким келмасин, чин дилдан ният қилади: бизга ҳам қариганда 28 давара, 21 чеваранинг бобожониси ва бувижониси бўлмиш Мирҳаё ота ва Адолат аяларга ўхшаб иззат-ҳурматда, роҳат-фароғатда яшаш насиб этсин.

А.МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: бахтли хонадон ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Бола бошидан

ЁШЛИК ГАШТИ ЎЗГАЧА

Пойтахтимиздаги «BIOEKOSAN» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуида «Чекмасдан ёшлик гаштини суғ» тарбиявий дастурига бағишланган анжуман ўтказилди.

— Дастурнинг асосий мақсади, — деди мажмуа маънавий-маърифий ва тарбия ишлари бўйича директори Гавхарой Назарова. — Педагог болалар ва ўсмирлар билан синф соатларини ўтказиш жараёнида қўлай йўллари тутсин ва натижада ўқувчининг ўзи ҳам бевосита ушбу жараёнда иштирок этиб, тарбиячи билан бир қаторда кўпгина масалаларни фаол ҳал қила олсин, яъни ўз хатти-ҳаракатлари, айрим ҳолларда эса ўзгалар ҳаракати учун ҳам масъулиятни ҳис этсин. Дўстлари томонидан қилинадиган таъкидлик бартараф этиш, масъулиятли қарорлар чиқара олиш, чекишни ташлаш, алкоголь ва бошқа зарарли одатлардан воз кечиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда мустақил бир қарор

га кела олиш малакасига эга бўлиши зарур.

Дастурнинг «Инсон шахс бўлиб туғилмайди, у шахс бўлиб шаклланади» деган шир остида ўтказилишида ҳам маъно бор. Сабаби, бола боғчагача тарбияни оиладан, мактабгача тарбияни эса боғчадан олади. Шунинг учун ҳам дастурни амалга оширишда «Оила», «Маҳалла» ҳамда «Қамолот» жағмагалари ҳам жалб этилган. Дастур уч босқичда татбиқ қилиниб, биринчи босқич Тошкент шаҳридаги барча мактаб ва академик лицейларда, иккинчи босқич вилоятларда, учинчиси эса коллежларда ўтказилган.

— Дастур биз педагоглар учун ўсмирларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш, уларни маълум бир томонга йўналишларини изга солиб туришда имконият яратди, — деди Қарши

шаҳридаги 22 мактаб ўқитувчиси Лола Болтаева. — Дастур нафақат қизиқарли, балки рангбарангдир. Мазкур ишланмани ҳаётга татбиқ этишда ўқитувчи ҳамиша ижодий изланишда бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида ҳам ўзини мизга, ҳам ўқувчиларга билимларини тақомиллаштириш имконини беради. Тажриба давомиде болаларнинг фаоллиги сезиларли даражада орта бошлагани кўзга ташланади: улар тез-тез кутубхоналарга, театр, музейларга бориб туришни, спорт билан шуғулланишни одат қилишди.

Анжуманга келган ўқитувчиларнинг таъкидлашича, дастурни амалга оширишда уни ҳаётга мослаштириш зарур, миллийлик дастурнинг асосий мезонини бўлиб қолиши лозим.

Анжуманда барча ўқитувчиларга дастурга оид бўлган ўқув машғулотлари ёзилган дисклар топширилди. «Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Жиззах вилоят «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон юксалиш йўлида» туркумида чиқарилган китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари давлат Президент асарлари кўргазмаси билан танишди. Кўргазмадан Юртбошимизнинг кейинги ўн йилда ёзган асарлари ўрин олган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар мазкур туркумда чоп этилган «Ўзбекистон альбомини», «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида», «Тинчлик учун курашмоқ керак» китобларининг мавзуси, сиёсий, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритди.

(ЎзА).

Ижтимоий муҳофаза

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ жамиятнинг ислох этишининг беш тамойили белгилаб берилди. Ижтимоий муҳофаза — мана шу беш тамойилнинг биттаси. Уни кенг маънода тушуниш керак. Чунки у янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим, маънавият, маданият, спорт, жисмоний тарбия соҳалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва ислох қилиш масалаларини ўз ичига олади. Мазкур йўналишда университетимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Буни, айниқса, ижтимоий муҳофаза юзасидан бажарилган иш ва тадбирларда кўриш мумкин.

ТАЛАБА

санаторийда дам олади

Чунончи, жорий йил давомида профессор-ўқитувчи, ишчи-ҳодим ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилишга 25 миллион сўм миқдориде маблағ ажратилди. Шу жумладан, 221 нафар хотин-қизга 2 миллион 730 минг сўм, 187 нафар ўқитувчи аёлга 869 минг сўмдан ортиқроқ моддий ёрдам берилди.

Албатта жамоа аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш фақат пул билан чекланмайди. Уларнинг меҳнатдан сўнг яхши дам олишларини таъминлаш этиш ҳам доимий эътиборда. Масалан, 18 нафар ўқитувчи, ишчи-ҳодим йўллана билан турли санаторийларда ҳордиқ чиқариб, соғлигини мустаҳкамлади.

Шу ўринда талабалар касаб ва ушмаси фаолиятини алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Касабақўм сайёҳаракати билан 695 нафар талаба санаторий-профилакторийларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди. Моддий қўйналган ва фаол талабаларга тегишли миқдорда пул ёрдами берилди. Шунингдек, 7 нафар талаба дам олиш уйларида маданий ҳордиқ чиқаришди. 12 нафар етим-ноғирон талабага кийим-бош олиб берилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу савоб ишдан четда қолмапти. 95 нафар талабага йўл чиптаси, талабалар уйларига спорт анжумлари ва кийим-кечаклар улар ҳисобидан харид қилинди.

Жамоа аъзоларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи янги йил учун белгиланган режаларимиздан ҳам кенг ўрин олган.

С.ОБЛОКУЛОВ,

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети доценти.

Яхши ишлаб, яхши яшайётганлар

Кўни билан оғрикнинг тафти босилмаган бўлсада, барибир Рустам ҳосилот (уни шундай деб чақирарди) зиммасига юклатилган вазифани ташлаб кетолмади. Ундан хол-аҳвол сўраб, дўхтирга учраши зарурлигини эслатишганида: — «Ўтиб кетди, оғрик кимда йўқ, ишлаш керак, ишлаш», деб қўл силтаб қўярди.

— Ахир, давр ва талаб шундай бўлган, раисда не гуноҳ. Фақат иш ташлаб қилишди, лекин ишлаб чиқаришда на меҳнат муҳофазаси, на техника хавфсизлиги ва на ишчиларнинг моддий рағбатлантириш бор. Бундай шароитда турмуш тарзи қачон яхшиланади, — деганди ўшанда қариялар.

Рустам ҳосилотдан қолган ягона зурриёт — Ўтбосар Абдиев унинг-улгайганидан сўнг отаси ҳақидаги хотираларни онасидан эшитган. Ва...

Хўжаликнинг машина-трактор саройида дастлаб чилангар бўлиб иш бошлаган йиллари ҳам барибир, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, техника

шарт-шароит яратилаётгани ва соҳа мутасаддилари орасида вақти-вақти билан бу борада семинар-кўрсаткичларнинг ўтказилиши натижасидир.

Гулистон, Бобўвот, Сирдарё ва Сайхунбод туманларидаги машина-трактор саройларида меҳнат қилаётган механизматорлар шу соҳанинг ҳадисини олганлардан. Утган йилларда ана шу ҳудудларда меҳнат қонунларининг бажарилишига оид бир қанча тажриба-синовлар ўтказилди. Ишчиларнинг бўш вақтларида маданий дам олишларига эътибор кучайтирилди. Жорий йилда вилоят механизматорларидан 100 нафардан зиёдроқ киши республикамиз санаторий ва профилакторийларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар меҳнат унвдорлигининг ошишига, қолаверса, ишлаб чиқаришда ҳар хил кўнглисиз воқеаларнинг келиб чиқмаслигига асосий омил бўлмоқда.

Дарвоқе, айни кунларда вилоят механизматорлари зиммасида маъсулиятли ишлар кўп. Ерларни келгуси йил мавсумига тайёрлаш, техника ускуналарини сошлаб, ободончилик ишларида камарбаста бўлиш шулар жумласидандир. Долзарб юмушларни бажаришда улар меҳнати янада қадр топмоқда. Механизаторларнинг барчаси иш қийми билан таъминланди, шунингдек, уларга сўт, қатиқ каби махсулотлар бериб борилмоқда. Энг асосийси, жойлардаги машина-трактор саройларида механизматорлар билан келгуси йил учун меҳнат шартномалари тузилмоқда. Унинг бандларидан меҳнати муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги масалаларига эътиборини кучайтириш кенг ўрин олган. Зеро, улар замирида инсон саломатлиги ва уни асраш, мустаҳкамлаш каби эзгу мақсад мўжасамдир.

Бахтиёр ҲАНАОВ, журналист.

МУҲИМИ, ХАРИДОР МАМНУН

«Интилганга толе ёр» деган нақл хўб топиб айтилган-да. Бўлмаса, термизлик ҳайдовчи Номоз Баҳромовни кўп тармоқли фирманинг эгаси бўлади, деб ҳеч ким ўйламаганди. У юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилидаёқ ҳовлисининг бир четига шинамгина чойхона қурди. Орадан бир йил ўтган, «Мария» кўп тармоқли фирмасини ташкил этиб, 3 кишига янги иш ўрни яратди. Фирма иқтисодини анча яхшилаб олган, ресторани очди. Ҳозирги кунда бу ерда бир йўла 200 нафар хўранда овқатланиши мумкин. Бундан ташқари, фирма тасарруфиде Рушана Журвалёва меҳнат қилаётган «Қандолат», Олим Ҳасанов бошқараётган нон ишлаб чиқариш цехлари шаҳар аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур фирма шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бўлишига қарамай, ўзининг ёрдамчи хўжалигига ҳам эга.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН

Мавсум палласи эмасми, хўжалик юмушлари янада кўпайган, бош қашишга вақт йўқ. Аммо шу кунди ҳосилотнинг танасидаги оғрик кучайса кучайди, босилмади... — Аттанг, яхши одам эди-я, ёш кетди бечора, — дейишди кекса-ю ёш. Ҳа, эллингачи йилларда бўлиб ўтган ана шу воқеани Гулистон туманидаги «Бобўвот» жамоа хўжалигида яшовчиларнинг кўпчилиги ҳали-ҳануз яхши эслапти.

Мустақиллик экинлари боис, бугун қайси жаҳони олманг, хоҳ у қишлоқ хўжалиги, хоҳ саноат ёхуд бошқа тармоқда меҳнат қилаётган киши энг аввало, ижтимоий муҳофазаланган, ишлашга шарт-шароитлар яратилиб, ҳатто қўшимча таътирлардан ташқари моддий рағбатлантиришлардан баҳраманд бўлаётин. Боз устига, «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун яшамокда ва амал қилмоқда.

Мавзунини бошлашдан аввал кечани кўнларни эслганимиз бежиз эмас.

хавфсизлигига қаратилган қонунлардан кўнгли тўлмасди. Шу тарихи кўп йиллар ўтди. Тажрибаси ошгани сари қаерда ишланмасин, энг муҳими, одамлар меҳнатини муҳофаза этиш, техника хавфсизлигини таъминлаш масаласини эътибордан қочирмади.

— Асосий манбаимиз қишлоқ хўжалиги бўлгани учун аҳолининг кўп қисми шу соҳа билан банд, — дейди вилоят ҳокими-нинг техника масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўтбосар Абдиев. — Биргина техника билан банд бўлганларга яратилаётган шарт-шароитни олиб кўрадиган бўлсак, кейинги йилларда хавфсизлик техникасига риоя этилганлиги ва меҳнат муҳофазаси жамоа шартномаларида белгилангандек тўла амал қилиб келаятганлиги учун ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши қариб 35 фоизга камайди. Бу аввало, жойларда жамоа шартномалари шунчаки йўлига тузилмасдан, балки муҳим ҳужжат ҳисобланаётганлигининг самараси бўлса, шунингдек, механизаторларга қўлай

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

АҚШ ШАРТНОМАДАН ЧИҚАДИ

АҚШ президенти Жорж Буш ўзининг 1972 йилдаги Ракетага қарши ҳимоялиши Америка-Россия шартномасидан бир ёқлама чиқиш тўғрисида бир қарорга келганлигини эълон қилди. Уша кунди Америка маъмурияти Россия томонини расман бу ҳақда оғох қилди. Эндиликда АҚШ олти ойлик муддатдан сўнг ўзини мазкур Шартномадан чиққан, деб ҳисоблайди.

ПАРЛАМЕНТГА ҲУЖУМ

«Ал-Қоида» жангарилари ўзларининг навбатдаги жиноятини амалга оширдилар. Гап шундаки, эрталаб соат тўққизда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги парламент биносиде дафъатан кучли портлаш эшитилди. Уша пайтда парламент биносиде мамлакат бош вазир Атал Бихари Важапаи ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари бор эди. Шундан сўнг

автоматлар ва гранаталар билан қуролланган бир неча нафар жангарилар парламент биноси ичига бостириб киришга уриндилар. Полициячилар ва босқинчилар ўртасида бўлган отишмада 11 нафар киши — ҳукумат қўриқчиларидан олти нафар, террорчилардан беш нафар киши ҳалок бўлди. Ушбу мудҳиш воқеадан сўнг пойтахт хавфсизлик кучлари тўлиқ ҳарбий тайёргарлик ҳолатига келтирилди.

ЖИНОЯТ ДАЛИЛИ

Бундан бир неча вақт муқаддам биринчи рақамли халқаро террорчи Усама бин Лодиннинг ўз тарафдорлари билан мулоқот пайтида сўзлашаётган нутқи акс эттирилган видеоёзув тасмаси қўлга туширилган эди. Унда Усама бин Лодин Нью-Йорк ва Вашингтонда 11 сентябрда амалга оширилган террорчилик хуружлари хусусида сўз юритиб, уни ташкил этишда ўзининг қўли борлигини тан олади. Ушбу тасма АҚШ телеканаллари орқали намойиш

этилиши қўтилмоқда эди. Бироқ, биринчи рақамли террорчининг нималар ҳақида валдираётганини англаб бўлмади. Оқ ўй қотиби Ари Флейшернинг гапларига қараганда, араб тилидан таржима қилинадиган матн лозим даражада ётказилган бутун маълумат бўйлаб намойиш этилиши мумкин.

УММОНДАГИ ҲАЛОКАТ

Ҳинд уммонида Американинг ҳарбий стратегик бомбардимончи самолёти ҳалокатга учради. «В-1В» тайёрасининг тўрт нафар учувчилари қутқариб қолинди. Экипаж командири капитан Уильям Стилл журналистларга ҳалокат сабабларини гапириб берди. Унинг айтишича, ҳаво кемасининг бошқарув тизимида носозлик келиб чиққанлиги боис самолёт учувчи «бўйруқлари»га «бўйсунмаган». Шундан сўнг учувчилар катапулт орқали жон сақлашга мажбур бўлганлар.

Уларни қутқаришда разведкачи «Орион» Р-3 ҳақда «КС-10» ҳаво кемалари иштирок этдилар. Мазкур фожиа «В-1В» русумли бомбардимончи самолётлар учраган иккинчи ҳалокатдир.

ХАТТОБ ЖАРОҲАТЛАНДИМИ?

Сўнги хабарларга қараганда, халқаро террорчи Хаттоб Россия Федерал кучлари билан бўлган тўқнашуларнинг бирида қаттиқ жароҳат олган. У айни пайтда Чеченистоннинг жануби-шарқий ҳудудидаги тоғли қишлоқлардан бирида ўз жароҳатларини даволамоқда. Лекин, РФ Президентининг ёрдамчиси Сергей Ястржембский Хаттобнинг жароҳатланганлиги тўғрисидаги далиллар ҳали тўлиқ ўз иботини топмаганлигини айтган.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

**Бу бола хақида дастлаб менга бир ҳамкасб дўстим айтиб берганди.**  
 — Уйдан чиқайсан тўққиз-ўн ёшлик уч-тўрт бола ўзлари тенги ўсмирни ўраб турганига кўзим тушди. — дея хикоя қилган эди у. — Сездимки, қайсидир маҳалладан келган тенгдошларига пўписа қилишяпти. Менинг яқинлашаётганимни сезмасдан турткилай бошлади. Шу пайт очиги, қандай хол юз берганини пайкамай қолдим: кўз очиб-қумгунча пўписа қилаётганлар ерда юмалаб ётишарди. Етиб борганимда йиқилган болалар шоша-пиша ўринларидан туриб қочишга тушдилар.

# ОРЗУСИ ОСМОН ДОСТОН

— Ўзларини кўринг, аввал улар бошлади, — деди ҳалиги бола ўзини оқлаб. — Қариндошимникига келгандим.  
 — Ҳечқиси йўқ, эркак киши ўзини ҳимоялашни ҳам билиши керак, — дедим унга далда бериб елкасига қоқарканман.  
 — Гоҳо, ҳаддидан ошганларнинг таъзини бериб қўйишга ҳам тўғри келади.  
 — Сездимки, оддий болалардан эмас, спортнинг қайсидир тури билан шуғулланади.  
 — Қаёққа кетясан?  
 — Ҳозир машғулотга бораман, кейин мактабга, ундан сўнг уйимизга.  
 — Қайси спорт тури билан шуғулланасан? Отинг нима? Қайси мактабда ўқийсан?  
 — Отим Достон. 22-мактабнинг учинчи синфда ўқийман. Каратэ билан шуғулланаман.  
 — Илоҳи борича,

## Пиллапоя

мактабига олиб борди. Мураббий Равшан Мўминов Достондаги катта иштиёқни пайқаб, у билан алоҳида шуғуллана бошлади.  
 Достон илк бор уч йил олдин Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, бронза медали билан мукофотланган эди. Ўтган йили республика

## Саломатлик поезди

Оролбўйи аҳолисини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида қирқ икки миллион сўмлик инсонпарварлик юклари ортилган «Экосан» саломатлик поезди Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Мазкур хайрия ёрдами экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ўтказилган умумхалқ экологик ҳашаридан тушган маблағ ҳамда бир неча вазиралик, идора, қўшма корхона, хорижий ва миллий компания ҳамда фирмалар кўмагида ташкил этилди.  
 Инсонпарварлик юки ортилган поездда озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари болалар ва қариялар учун иссиқ кийим-кечаклар, дори-дармон, турли жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва кичкинтойлар учун янги йил совгалари бор.

## Байрам совғаси

### ОТАХОН «ДАМАС» ЮТДИ

Анджон вилояти Шаҳрихон тумани Бўстон ширкат хўжалигининг Эшонқилшоқ қишлоғида истикомат қилувчи 76 ёшли Жалолиддин Холматовга янги йил арафасида омад кулиб боқди. Жалолиддин ота Ўзбекистон Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан чиқарилган хайрия лотереясидан 12 дона сотиб олган эди, уларнинг биттасига «Дамас»



автомашинасини ютиб олди. Бу уч ўғил ва етти қизни вояга етказган фахрий-педагог ва унинг умр йўлдоши Башоратхон ая учун ўзига хос мукофотдир.



## Ҳикмат

**Билгилки, дўст бўлишга лойиқ одамни икки нарса билан билса бўлади: бири шуки, дўстига тангдаслик етишган вақтда, қашшоқлик вақтида қудрати етгунча ундан юз ўғирмайди, иккинчиси дўсти оламдан ўтгандан сўнг, у дўстининг фарзандларини, қариндош-уруғларини қақиртириб, унга яхшиликлар қилмай.**

«Кобуснома»дан

лика кубоги соҳиби бўлди. Бу йил эса мамлакат чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Эндигина ўн ёшни қаршилаётган Достон Тургунов каратэ бўйича яшил белбоғ соҳиби, терма жамоа аъзосидир.  
 Айтганча, Достонни орузси осмон бола дейишаркан. Зотан, икки карра мамлакат чемпиони бўлган ёш каратэчининг нияти юртимиз байроғини жаҳон тағамиларида баланд кўтаришидир. Ниятинг йўлдошинг бўлсин, Достон!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

Самарқанд Давлат чет тиллари институтида республика Бадиий акадემияси вилоят бўлими билан ҳамкорликда самарқандлик рассомлар — она-бола Озода ҳамда Ёқут Алиевлар ижодида бағишланган кўрғазма очилди.

### ОНА-БОЛА РАССОМЛАР

«Оналар ва болалар йили» охирида ўтказилган бу тадбирда рассомларнинг юзга яқин санъат асарлари намойиш этилди. Шунингдек, Озода ҳамда Ёқут Алиевларнинг чизган расмлари албом сифатида турли тилларда чоп этилди ва санъатсеварлар эътиборига ҳавола қилинди.

### Сўраган экансиз

## КЎЗИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Саволингизга Ўзбекистон Миллий реабилитация марказининг малакали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ҳотамжон Жўраев жавоб беради.

**Савол:** Хурматли «Ишонч» газетасининг таҳририяти. Кўз ички босимининг зўрайиши ёхуд кўксун касаллиги, яъни глаукома билан оғриган кишилар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари ва парҳез таомларни истеъмол қилишлари керак. Шу ҳақда мутахассис маслаҳатини берсангиз.

**Жавоб:** Кўз ички босимининг зўрайиши ёнги кўксун касаллиги жуда нозик хасталиқдир. Бундай касалликка дучор бўлган кимсалар овқатланишга жиддий эътибор беришлари даркор. Аввал бугдой уни кепалидан тайёрланган нон, сабзавотли суяқ овқатлар, шунингдек резавор мевалар, хуллас ошқозон-ичакнинг суяқлик ажратиш ҳамда ҳаракатчанлик қобилиятини тезлаштирувчи овқатлар тавсия этилади. Чунки уларда кўллаб дармондори ва минерал тузлар мавжуд. Хусусан, калий тузи юрак мушагининг қисқарувчанлик фаолиятини яхшилайдиган ҳамда танада сув алмашинувини меъёрга солади.  
 Ўсимлик ёғи ва сут маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар асаб тизими фаолиятини бир меъёрга кечилишига имконият яратади. Ёғли таомлар эса бош мия пўстлоғида кўзалувчанлик жараёнларининг кучайишига олиб келади. Чўртанбалик, треска, судан, зогорабалик, навака сингари ёғсиз лўқмаи

ҳалоллар, шунингдек сунт маҳсулотларидан тайёрланган туюрог танадаги холестерин моддасининг чиқиб кетишини таъминлайди. Шу ўринда бу дард билан оғриган беморлар гўштни ҳафтада уч-тўрт марта, фақат қайнатилган тарзда истеъмол қилишлари лозим. Лекин унинг шўрвасини ичиш тавсия этилмайди.  
 Истеъмол қилинадиган ҳар қандай таом тузини пастроқ қилиб истеъмол қилиш кўз ички босимини камайтириш имконини беради. Бундай овқат айнақча қон босими юқори бўлган беморларга тавсия этилади. Овқатланиш олдиндан бир қошиқ тоза асал истеъмол қилиш ҳам фойдали. У асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, уйқуну яхшилайди.

Ҳар қуну ичакни зўриқшдан ҳоли этмоқ кўз ички босимини бир меъёрга сақлашнинг муҳим омилдир. Қабзият ҳолатлари эса тананинг овқатдан заҳарланиш асоратидан дарак бериб, у кўз ички босимига ҳам салбий таъсир этади. Агар бемор овқат истеъмол қилиш тартибига риоя этаётган бўлсаю, лекин ичакда қабзият сезилса, у ҳолда сусайтирувчи воситалардан фойдаланиш лозим. Чунки Баталин минерал суви, қарливар туз аралашмаси, фенолфталейн, равоч ва ҳоказоларни тановул қилиш даркор.  
 Хуллас, глаукома хасталигига чалинганлар бир кеча-кундузда суяқлик истеъмол қилишни 1,5 литрдан оширмакликлари лозим.

## Ним табассум

Афанди бир кун қорни оч, бозор айланиб юриб бир боққол олдиқанди. Боққолнинг дўқонидан тухум, сариқ мой ва асал турар эди. Афандининг иштаҳаси кўзгаб кетиб, боққолдан сўради.  
 — Шу тухум, сариқ мой ва асал сизникими?  
 — Ҳа, албатта! — деди боққол.  
 — Дўқондаги барча мол — ҳаммаси меники.  
 — Сизники бўлса, — дебди Афанди — нега қуймоқ қилиб еявермайсиз?  
 Бир бахил Афандидан сўради:  
 — Сиз ҳам пулни севасизми?  
 — Албатта! — деди Афанди.  
 — Чунки, пулим бўлса, сенга ўхшаган бахилларга зориқмайман.  
 Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ёлламоқчи бўлиб, баҳолашди:  
 — Ярим танга пул, ўн ошам ош бераман, — деди у.  
 Афанди кўнди. Кечқурун ишдан кейин ярим танга пулни олиб ёнига солди, хасис олиб чиққан ўн ошам ошни уч ошам қилди-ю:  
 — Қолган етти ошамига қачон келай? — деди.

## Ўлкам чиройи



**Халол меҳнат билан ҳам оила боқиш мумкин. Аммо, Охунбобоев туманида яшовчи Алишер Собиров ва Садабархон Одилов ўзаро тил бириктириб, пул топишнинг антика йўлини ўйлаб топишди.**  
 — Биласанми, — деди Алишер Садабархоннинг кўйига кўл солиб, — ким кўп, қонунбузар кўп. Уларни ушлаб, дўқ-пўписа билан кўрқитамиз. Қарабсанки, ўзини айбдор деб ҳисоблаганларнинг тиззасига титроқ туриб, кўрққанларидан жарак-жарак пул сочишади.

— Ахир, текшириш учун ҳеч қандай ҳужжати-миз йўқ-ку?  
 — Э, бу ёғини менга қўйиб бер. Каминада вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан берилган ҳужжат бор, — деб 36-сонли гувоҳнома кўрсатди. — Уртада даллоллик қилсанг бўлди.  
 — Сен у ердан аллақачон бўшаб кетгансан-ку ахир! Худо кўрсатмасин, кўлга тушсан, уйимизга ўт кетади-я, — деди шериги ваҳимага тушиб.

ий жавобгарликка тортилиб кетиши тўғрисида огоҳлантирдилар. Уларнинг дўқ-пўписасидан ўзини йўқотиб қўйган Алижон Абдуллаев яқини бошлади. Текширувчилар овозларини яна ҳам баланд қилишди.  
 Кўрқитув авжига чиққан пайтда Алижоннинг укаси

# ПОРА

эгаларига қайтариб берилди

Маъмуржон ўртага тушиб, «келишиб олишни» таклиф қилди. Алишер мударрага кўчди:  
 — Агар далолатнома ёзиб, тегишли жойга тақдим этсан, мол-мулкнингизни сотиб ҳам қуллунмайсизлар. Майли,

## Нафс қурсин-а, нафс ...

аҳволларингиз шунчалик ночор экан, 50 минг сўм олиб келинган. Гап шу ерда қолади. Агар бировага оғиз очсаларингиз ўзларингдан кўринглар, аяб ўтирмаймиз. Тушунарлими?  
 унинг 3 минг «даллол»га, қолган 27 минг сўми эса «бош текширувчи»нинг чўнтагига тушди.  
 Епиғлик қозон ёпиғлигича қолар эди-ю, аммо вилоят табиати қўриқлаш кўмитасидан келган ҳақиқий вакил, қонунбузарлик қилганлиги учун Алижон Абдуллаевга жарима солгани ишнинг беллиги тевди.  
 Ҳам пора бериб, ҳам жарима тўлаган Алижон Абдуллаев жон аччиғида А.Собировнинг ёқсидан олиб, пулни талаб қила бошлади. «Эрта келинг»дан чарчаган А.Абдуллаев охири судга ёзма мурожаат қилишга мажбур бўлди.  
 Терговчи жиноятчи ҳам-товокларнинг башарасини очиб ташлади. Алишер Собиров аслида Ёзёвон тумани, «Толқудуққум» овчи-

## Ўқинг, бу қизиқ!

### ОЛМА ВА КАШФИЁТ

Айтишларича, буюк олим Ньютон кунларининг бирида боғда сайр қилиб юрганида унинг олдида даракдан фарқ қилган олма «топ» этиб тушган-у, шу заҳотиёқ Ньютонни икки жисм ўртасида аллақандай таъсир кучи борлигини ҳақиқий фикр ўйлантириб қўйган. Бу эса бутун олам тартибини ҳақиқий таъминотнинг кашф этилишига туртки бўлган.  
 Аслида, олма воқеаси тўғрисидаги гаплар олим вафотидан кейин чиққан. Биринчи марта бу тўғрида машҳур киши — Вольтер деган улугъ файласуф хикоя қилди. Маълум бўлишича, бу олим олма воқеасини Ньютоннинг хияли Екатерина Кондьюитдан эшитган экан. Олим вафотидан кейин 93 йил мобайнида унинг Англиядаги Вильстон деган жойида боғида ўсадиган олма даракти кишилар учун зиёрат даракти бўлиб келди.  
 1820 йилда кучли шомол бу даракти синдириб юборди. Кейин эса унинг синикларидан стул ясаб, музейга қўйдилар.

### ЖАҲОН ХАРИТАЛАРИ

Қадимги юнон олими Эратосфен маълумотида кўра, ернинг илк картографик тасвирини миллоддан илгари 610-546 йилларда яшаган олим Анаксимандр яратган.  
 Географик хариталарнинг яратилишида иккинчи асрнинг биринчи ярмида яшаган юнон олими Птолемей излашилари ҳам диққатга сазовор. У 90 дан ортиқ харита тўзди ва шу тарихда бизгача етиб келган географик хариталарнинг энг биринчи тизими тўпламини яратди.  
 Тарихда монастыр хариталари деб юритилган харита марказига Қуддус шаҳрининг рамази туширилган бўлиб, юқори томони — шарқда жаннат тасвирланган. Хусусан, аллома Муҳаммад Хоразмий Шарқда биринчи бўлиб Птолемейнинг асари билан танишиб чиқиб, уни янги-янги маълумотлар билан бойитди. У 70 нафар олимни бу машаққатли юмушга жалб этиб, Шарқ мамлакатлари географияси кўлга киритган материалларга таянган ҳолда янги «Жаҳон хариталарини» яратди.  
 Профессор Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, «Жаҳон хариталари» аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Хоразмий бу хариталар изоҳини ўзининг «Сурат ал-ар» номли асарига баён этган.  
 А.АЛИЕВ.

# ISHONCH

МУАССИС:  
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Таҳрир хайъати:**  
 Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.  
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Котибият 56-52-78, 136-58-45;  
 Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
 Босишга топшириш вақти - 21.00  
 топшириш: 21.00

Маъмури: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотузда эркин нарха.  
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.